

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 19-ҳадис

19 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْفِطْرَةُ خَمْسٌ أَوْ خَمْسٌ مِنَ الْفِطْرَةِ: الْحِثَانُ، وَالْإِسْتِحْدَادُ، وَتَقْلِيمُ الْأَطْفَارِ، وَتَنْفِ الْإِبْطِ، وَقَصُّ الشَّارِبِ».

[خ 5889، م 257، ت 2756، س 9، د 4198، ج 292].

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Фитрат беш нарсададир [ёки беш нарса фитратдандир]: хатна қилиш, қириниш, тирноқларни олиш, қўлтиқ тукларини юлиш, мўйлабни қисқартириш».**

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.

Шарҳ: Абу Хурайрадан ривоят қилинаётган бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳар бир инсон учун ўта муҳим бўлган шахсий озодалик ишларига тарғиб қилмоқдалар.

Энди мана шу ҳадис аввалида зикр қилинган «фитрат» сўзининг асл маъносига эътибор қилайлик.

«Фитрат» бизнинг тилимизда «соф табиат» маъносини англатади. Уламоларимиз таърифида эса:

«Анбиё ва Расуллар, мўминлар қадимдан амал қилиб келаётган, худди яратилишларига қўшиб қўйилганга ўхшаб кетган амалларга «фитрат» деб айтилади».

Оиша розияллоху анҳодан қилинган ривоятда Набий соллаллоху алайҳи васаллам қуйидагича айтганлар:

«Ўн нарса фитратдандир: мўйлабни қайчилаш, соқолни ўстириш, мисвок, бурунга сув олиб тозалаш, тирноқларни қисқартириш,

баданнинг букиладиган жойларини яхшилаб ювиш, қўлтиқни юлиш, қовуқни қириш, сув ила истинжо қилиш, Мисъаб: «Ўнинчисини унутдим, менимча, оғизни сув билан тозалаш бўлса керак» деди».

Бешовлари ривоят қилишган.

Аллоҳга ададсиз шукрлар бўлсинким, шариатимизда соғлигимиз, гўзаллигимиз, саришталигимиз учун зарур бўлган ишларни савоб ҳам оладиган ишимизга айлантириб қўйибди.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI